



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
19 май
ЧОРШАНБА
№ 39
(12.259)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

2010 йил – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Миллий анъана ва урф-одатларимизни ёш авлод онгига синдириш, қизларни қўл меҳнати ва касб-ҳунарга ўргатиш ҳамда уларни оилага тайёрлаш мақсадида Тошкент тумани ҳокимлиги, хо-

тин-қизлар қўмитаси ва маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" кўрик-танлови ўтказилди. Унда бешта коллеж жамоаси иштирок этди.



«ДўППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...»

Тадбир иштирокчилари ўртада шартли бажаришди – таништирув, дўппи ҳақида ривоят, миллий дўппига таъриф ва сўнги-

ли либослар намойиши. Шунингдек, қизлар ўзлари тиккан дўппилар ҳақида маълумот беришди. Тошкент туманидан

Махлиё Толипова кўрик-танловнинг мутлақ ғолиби бўлди. Йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.



Бундан ташқари тадбир давомида дўппи ва миллий кийимлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Унда Тошкент тумани маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежидан Нилуфар Махмудованинг дўппи, саватча, кўғирчоқ ва мунчоқлари, халқ таълими бўлимига қарашли халқ иходиёт марказидан Нигора Одилованинг бисер, тўқувчилик, зардўзлик бўйича иходи, қурилиш ва уй-жой комму-

нал хўжалиги коллежидан Наргиза Мирзаеванинг елпиги, ёстиқ ва чойнак жилдлари, ижтимоий-иқтисодиёт коллежидан Азиза Саидаматова миллий услубда яратган буюмлар кўпчиликлда қизиқиш уйғотди. Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндорлар таъкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва faxрий ёрликлари билан тақдирланишди.

Шоҳрух ҲАКИМОВ.

СУРАТЛАРДА: тадбир меҳмонлари мунчоқдек товланаётган миллий дўппиларга махлиё бўлиб, латофатли қизларимиз зеҳнига яна бир бор қойил қолишди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

БУГУННИНГ ГАПИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) маълумотларига кўра, айрим қўшни давлатларда хавфли касаллик – полиомиелит қайта кўриб топилган. Ўзбекистон 2002 йилда ЖСТ томонидан полиомиелитдан ҳоли мамлакат, деб тан олинган. 1996 йилдан буюн аҳолини ушбу касалликка қарши эмлаш ишлари муваффақиятли ўтказилиши туфайли мамлакатимизда полиомиелит билан касалланган бирон-бир бемор қайта этилмаган. Шунга қарамастан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бу эпидемияга қарши тезкор профилактик чоралар кўрилмақда.

ПОЛИОМИЕЛИТГА ҚАРШИ САМАРАЛИ ЙЎЛ

Тошкент тумани тиббиёт бирлашмасида полиомиелитга қарши Миллий эмлаш кўнунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамлигида аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадида давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётгани, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар улкан самаралар бераётгани қайда этилди. Жойларда замонавий санитария-эпидемиология назорати хизмати йўлга қўйилгани аҳолини турли юқумли хасталиклар, инфекциялардан асрашда муҳим омил бўлмоқда. Яхлит имунопрофилактика ва эпидемиологик мониторинг тизими ушбу хизматнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аҳоли, айниқса, болалар учун хавфли бўлган инфекция – поли-

омиелитга қарши эмлаш ишлари режали асосда ўтказилмоқда. – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тезкор профилактик ва эпидемияга қарши чоралар кўрилмақда, – дейди мазкур вазирлик Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси бошлиғи Саидмурод Саидвалиев. – Хусусан, профилактик чораларни кучайтириш мақсадида бутун мамлакатимиз бўйича қўшимча равишда эмлаш ишларини ўтказишга қарор қилинди. Унга кўра, 5 ёшгача бўлган барча болалар эмланади. Бу тадбир икки босқичда амалга оширилади. Эмлаш ишларининг такроран ўтказилиши полиовирус юқишининг олдини олиш ва болаларда мазкур касалликка қарши мустаҳкам иммунитет пайдо бўлишига ёрдам беради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мамлакатимизга етти миллион доза полиомиелитга қарши самарали таъсир кўрсатадиган вакцина келтирилди.

У.А.

ҲАР БИР БОЛА ЭМЛАНИШИ ШАРТ

Дарҳақиқат, мамлакатимизда "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бюроси томонидан регионга полиомиелитнинг ёввойи штамми кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш дастури" ижроси ҳамда эпидемик барқарорликни сақлаш мақсадида 17 майдан 23 майгача оммавий миллий эмлаш кўнунларининг биринчи босқичини ўтказиш режалаштирилган эди. Айни кўнунларда ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга киришилди.

Хозир, айниқса, Покистон, Синагал, Хиндистон ва Нигерия давлатларида полиомиелит эпидемияси тарқалган бўлиб, у ёш болалар ва катталар ўртасида ўлим ва ногиронликни юзага келтираётгани ачинарли ҳолдир. Қўшни Тожикистон ва Афғонистонда ҳам полиовируснинг ёввойи штамми кузатилмақда. Тожикистоннинг 25 ҳудудиде 128 беморда шол синдроми аниқланган. Бу ҳудудларнинг кўп қисми Ўзбекистон билан чегарадош эканлиги ҳар биримизни сергак бўлишга ундайди. Ўтказилаётган эмлаш акцияси ҳам бу касаллик қариб келишининг олдини олиш йўлидаги ҳаракатдир.

1909 йили полиомиелитдан ўлган беморнинг орка миясидан ажратиб олишган. Вирус ташқи муҳит шароитига жуда чидамли бўлиб, хона ҳароратида уч ойдан кейин ўз кучини йўқотади. 56 даражалик ҳароратда 50 дақиқа мобайнида қиздирилгандагина нобуд бўлиши мумкин. Дезинфекция қилув-


чи моддалар ва ультрабионафша нурлар таъсирига чидамсиздир. Полиомиелит вируси меъда-ичак тизими, инфлос қўллар, ўйинчоқ, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари орқали юқиши мумкин. Шу билан бирга ҳаво-томчи йўли билан ҳам юқади. Полиомиелитга 1 ойликкача бўлган гўдаклар камдан-кам чалинади. Бу касаллик кўпроқ 4 ёшгача бўлган болаларда учрайди (60-80 фоиз). Шунини инобатга олиб, 5 ёшгача бўлган болалар эмланиши керак. У юқтирилганда болаларда тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриғи,

дармонсизлик, юқори нафас йўлларидаги яллиғлаш, айрим ҳолларда эса қушиш, қорин бўшлиғида оғриқ кузатилиши мумкин. Вирус таъсирида нафас йўллари зарарланиб, трахеит, бронхит ва ўпкада зотилжам юзага келади. Асаб ҳужайраларининг полиомиелит вируси билан оғир зарарланиши натижасида ҳаракатлантурувчи нейронлар нобуд бўлади. Шундан сўнг бемор мушакларида кучли оғриқ ва фалажлик кузатилади. Қўпчан оёқ, бўйин, қорин, тана ва дельта-синам мушакларининг фалажлиги қайта этилиб, демак, кўриниб турибдики, оддий беш оғриғи ёки дармонсизлик билан бошланган касаллик фалажликка олиб келар экан. Агар бунга этиборсизлик билан қаралса, ёш болалар бутун умр ногирон бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун фарзандингизни ўз вақтида эмлашга бепарво бўлмаг. Чунки полиомиелит эмланган болаларда учрамайд.

Дарвоқе, полиомиелитга қарши оммавий миллий эмлашнинг иккинчи босқичи шу йилнинг 7-13 июнь кўнунлари ўтказилади.

Фарида КОМИЛОВА, Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали бўлим мудири.

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ПОЛИОМИЕЛИТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СИЗНИНГ ҚЎЛИНГИЗДА!



ЭМЛАШ-БОЛАЛАРНИ ПОЛИОМИЕЛИТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЯНОВА ВА САМАРАЛИ УСУЛИ

0 дан 5 ёшгача бўлган ҳар бир бола, шу жумладан янги туғилган чақалоқ, Миллий эмлаш кўнунлари доирасида полиомиелитга қарши эмланиши шарт.

УЛОВНИНГ ЯНГИСИ ЯХШИ

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида бўлиб ўтган йилги Тошкент шаҳри ва вилояти йўловчи транспорт ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда йил бошидан буюн кўплаб янги йўналишлар очилиб, замонавий русумдаги автобуслар аҳолига хизмат кўрсатаётгани таъкидланди. Жумладан, вилоятимизда ҳам 2009 йилда 16 та янги йўналишлар очилди. Натижада Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик, Тошкент, Ўртачирчиқ, Қибрай, Бекобод,

Оққўрғон каби туманлар аҳолисининг узоғи янада яқин бўлапти.

Йилгишда транспортларга техник хизмат кўрсатишни яхшилаш, нақд пул тушуми, автошўбекаларни замон талабларига мос кўринишда жиҳозлаш масалаларига оидинлик киритилди. Шунингдек, республика Ва-

зирилар Маҳкамасининг "Автомобилларни газ билан тўлдирish компрессор станциялари ва автомобилларга газ қўйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суялтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш вазифалари хусусида ҳам алоҳида тўхталди ўтилди.

Учкун ҲАМДАМОВ.

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Маълумки, 7-8 май кўнлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Икки кўн давомида 24 та масала, шу жумладан, 10 та қонун қўриб чиқилди. Энг муҳими, Президентимизнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" маърузаларида илгари сурилган асосий мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ҳаракат дастури қабул қилинди.

БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛА, ДЕПУТАТ

Биз бу ҳақдаги айрим саволларга жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоировга мурожаат қилдик.



– Маҳмуд ака, муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси барча даражадаги депутатлар фаолияти учун муҳим дастурий амал бўлиши шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб фикр юритадиган бўлсак, бугуннинг депутати қандай бўлиши керак ва ундан нима-лар талаб этилмоқда? – Агар йигирма йил муқаддам кимдир минбарга чиқиб, Ўзбекистон мустақил бўлади, ўзининг икки палатали парламенти бўлади, деса, шубҳасиз, унинг сўзларига ҳеч ким ишонмаслиги аниқ эди. Аслида-чи?

Мустақиллигимиз шарофати, Ўртабшумиз шижоати, ташаббуси, оқилона сиёсати боис Ўзбекистонда илғор, ривожланган демократик давлат барпо этилди. Айни пайтда миллий давлатчилигимизнинг анъаналари ҳамда илғор хорижий тажрибалар асосида икки палатали парламент шакллантирилди. Бугун мана шу парламент мамлакатимиз ва халқимиз тараққиёти йўлида фаолият юритиб, ўз салоҳиятини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

Президентимиз Сенатининг биринчи мажлисида таъкидлаганларидек, ўтган беш йил мобайнида Олий Мажлиси Сенати давлат ҳокимияти идораси сифатида туб сиёсий, маънавий, маърифий, ижтимоий ислохотларни амалга оширишда ҳуқуқий пойдевор, ҳуқуқий база яратиш учун фаол иш олиб борди.

Биз яхши биламиз, сайлов – бу синов. Сайланиш – ишонч. Зотан, халқнинг овози – бу ҳақиқатнинг овозидир. Президентимиз томони-

дан бизнинг олдимизга қўйилган ҳаққоний талабларни эшитиб, маърузаларини ўқиб, ўрганиб, елкамизда жуда катта масъулият борлигини ҳис қилиб турибмиз. Сенаторлик юки, депутатлик юки бу – халқнинг юки, қонунлар юки, қонунлар юки, қонунлар юкидир.

Бу зиммамизга жуда катта вазифа юклаганлигини янада чуқурроқ ҳис қилиш учун Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисида қилган маърузаларидаги мана бу фикрларни эслаш kifoya: "...Парламентимиз ва маҳаллий вақилинг органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи фойда муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни, ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатилган иборатдир".

Дарҳақиқат, биз бу ҳақда йилларимиз шубҳасиз, "сайловчиларимиз ишончини оқлай оламизми?" деган савол жисим жонимизда акс-садо берапти. Айни пайтда, "мен овоз берадиган қонунлар мени сайлаган сайловчиларнинг манфаатларини қай даражада ёфода этади, сайловчиларимнинг оғирини қанчалик енгил қилади, мен сайланган ҳудуднинг манфаати билан умумхалқ, умумдавлат манфаати ўртасида зарур уйғунликни қай даражада таъминлайди", деган уй ҳар биримизнинг юрагимиздан ўтаётгани тайин. "Ушбу қонунларнинг ишланиш учун шахсан мен нима қилишим керак?" деган ҳаёл ҳам бизга бегона эмас.

(Давоми 2-бетда).



ОИЛА ИБРАТИ

Кекса авлод вақиллари ҳар қачон, ҳар қаерда ёшларимиз учун ибрат, намуна бўлиб келган. Уларнинг ҳаётий тажрибалари, фидокорона меҳнатлари, хайрли сай-ҳаракатларида сабоқ олаётган ўғил-қизлар, ёш оила ҳақиқат тараққиётининг ишончли кучлари десак, ҳақ бўлмас.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида Қуйчиқирчи тумани "Мингчир" маҳалласида "Баркамол авлод маънан соғлом оилада шаклланади" мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир айниқса, қурилиш, сервис ва маиший хизмат касб-хуна қоллежи талабаларида катта таассурот қолдирди. Улар 50 йилдан бундан бери қилиб келадиган Рауфжон ота ва Ортиқлош шайхон вақиллари, ҳар қачон асрлик аҳил оила соҳиблари Фарҳод ва Озода Йўлдошевлар, Мурод ва Раъно Парвиевлар каби намунали

оила эгаларининг суҳбатларини мароқ билан тинглашди. Шафбат Абдуллаева, Мақсуда Усмонова, Фариди Хайитметова каби фаол, жонқуяр аёлларнинг фаолияти ёшлар учун ҳамиша ибрат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра ЭШМАТОВА. СУРАТЛАРДА: ибратли оила бекалари тақдирланмоқда; энг намунали оила соҳиблари Рауф ота ва Ортиқлош шайхон вақиллари.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаол фуқаролик позициясининг аҳамиятига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган нодавлат телерадиостанциялар раҳбарлари, журналистлар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Бугунги тезкор давр миллий журналистика, жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини, ҳорижда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни янада фаолроқ ёритиш баробарида юқори билим ва кўникма, Ватан тақдирини ун қадрига етказиш, мустақам ирода, қатъий ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлишни ҳам талаб этади.

Конференцияда оммавий ахборот воситаларида оид амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, қонунчилик тамойилларига риоя этиш, эфир дастурларининг мазмундорлигини ва сифатини ошириш, нодавлат телерадиостанциялар эфир дастурлари таҳлили, маънавий-маърифий ва ижтимоий, мушқий мавзудаги дастурларни тайёрлаш, эфирга узатишда эътибор қаратилиши зарур масалаларга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

ЎЗА.

Аслида, ҳақиқатга тик қарасак, шу каби саволлар талайгина. Бу масалаларни оқилона ҳал қилишимиз учун аввало, сенаторларнинг ҳам, депутатларнинг ҳам жиспиги зарур. Шунингдек, олдимизда турган вазифаларни талаб даражасида амалга оширишимиз учун бизга ақлу тафаккур, интеллектуал салоҳият ҳамкорлиги зарур. Масалала шу нуктаи назардан қарасак, бугунги депутат жамиятининг энг фаол, энг фидойи фуқароси, айна пайтда маънан баркамол, сиёсий ҳушёр шахс бўлмоғи шарт.

– Фикрингизга қўшилиман, аммо барчамиз кўриб, гувоҳи бўлганимиздек, юртимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вақиллик органлари депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар кескин курашлар остида кечди. Бунда ҳар бир сиёсий партия ўз гояларини мукаммал амалга ошириш учун вақиллик органларидан кўпроқ жой эгаллашга ҳаракат қилди. Бироқ, шунинг ҳам тан олиш кераки, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурларидан тортиб, сайловолди урғуларидан нутқ ва маърузаларида кўтарилган жиддий муаммолар, салмоқли тақлиф ва ташаббуслари сайлов ўтиб, депутатлик ўрни эгалланган, шунчаки қозғалди жимжила-ларга ўхшаб қолаётгандек...

– Юз фоиз тўғри гапирярсиз, деб айтолмайман. Чунки, барча депутатларни бирдек суф фаолият кўрсатаётган, десак адолатдан бўлмас. Келинг, ахирини, йўл қўйилган қамчиликлар ҳақида қамроқ баҳс юритсак-да, айрим сиёсий депутатларнинг ҳаттоларини тақдирлаш учун бугун амалга оширилаётган, режалаштирилган ишлар ҳусусида фикр юритсак.

Маълумки, бўлиб ўтган сайловларда аксарият депутатларимиз илк бор сайланди. Савол туғилди, ҳар бир депутат ўз ваколати доирасида амалга оширадиган ишларни биладими? Маҳаллий кенгаш депутатининг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида тасаввурга эгами?

Аввало шунини ишонч ва мамнуният билан айтманки, ҳалқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раисининг раҳбарлигида доимий комиссиялар, ҳар бир депутатнинг масъулиятини ва ташаббускорлигини ошириш учун аниқ режа асосида иш олиб бораёпти. Бу борада вилоятимиз маҳаллий кенгашлари депутатлари илк ёрдам Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати томонидан қўрилди. Шу йил 11 март кун Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари Мавжуда Ражабова иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисида "Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш устувор максасидизир" мавзусидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш максасида амалий семинар ўтказилди. Ушбу семинарда вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари иштирок этди, ўз ваколати доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, маҳаллий кенгаш депутатининг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида фикр алмашди.

Газетхонларимиз тўлиқ тасаввур ҳосил қилишлари учун айтманки, вилоят кенгашига 60 нафар депутат сайланган. Умуман вилоятимиз бўйича маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларимиз 661 киши.

Олти соҳа ва йўналиш бўйича доимий комиссиялар ташкил этилди.

Авваламбор, ҳалқ депутатлари вилоят кенгаши доимий комиссияси

(Давоми. Боши 1-бетда).

сия раислари сифат таркибига алоҳида эътибор берилиб, уларга кўп йиллар давомида бошқарув тизимида ишлаб келадиган тажрибали депутатлар сайланди. Жумладан, вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева – ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали раҳбари Баҳодир Тоғаев – қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш масалалари бўйича, "Тошвилоят" автоомобилда юк ва йўловчи ташиш ҳудудий уюшмаси раиси Мухаммади Каримов – саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия раислари этиб

навбатдаги сессиясида Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича комиссия раиси, депутат Мухайё Тулаганованинг, шунингдек, депутатлар Абдоржон Сулаймонов ва Мунира Қориеваларнинг ҳисоботлари тингланди. Айтиш кераки, А. Сулаймоновнинг депутат сифатида, раҳбар сифатида ишдаги суст-кашлиги қаттиқ танқид остига олинди.

– Вилоятимиз ахли яхши халқдор, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг кўшма сессиясида вилоятимиздан Олий Мажлис Сенатига олти вақил аъзо этиб сайланди. Улар орасида сиз ҳам борсиз. Ўтган қисқа вақтда сенаторлик фаолиятингиздан олган дастлабки таассурот ва ҳулосаларингиз қандай? Саволни яна ҳам тангалроқ қўйсак, сенаторлиқнинг мартабаси банд эканми ё масъулият?

БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛА, ДЕПУТАТ

сайланди. Барча доимий комиссияларнинг иш режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ҳамда доимий комиссияларнинг иш режаларига "2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури"ни амалга ошириш юзасидан масалалар кириштирилиб, уларни баҳарлаш чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб ва шунга мувофиқ тегишли ишлар олиб боришмоқда.

Албатта, вилоят кенгашининг вазифаси депутатлардан фақат натижа талаб қилиш эмас, балки амалий ёрдам беришдир. Шу боис ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари ишларини мувофиқлаштириш, илғор тажрибаларни омаллаштириш ёки йўл қўйилган қамчиликларни аниқлаш, танқидий баҳолаш максасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатига доимий асосда ишлаган Хайрулла Ибрагимов вилоят ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳида депутатлар, кенгашлар, доимий комиссиялар билан фаол иш олиб бормоқда. Шунингдек, ҳалқ депутатлари вилоят кенгаши доимий комиссияларининг иш режасида ҳалқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашлари доимий комиссиялари фаолиятини мунтазам ўрганиш, амалий қўмаклашиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгиланган ва бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий вақиллик органларини қўлайлаштиришга қўмаклашувчи комиссиясига Тошкент вилоятида ёрдам берувчи ишчи гуруҳи тузилди ва унинг таркиби вилоят кенгаши сессиясида тасдиқланди. Ушбу гуруҳда уч сенатор бор, гуруҳга раҳбарлик қилиш менга юклатилган. Шунингдек, гуруҳимизда депутатлар, мутахассислар, турли тизимларда ишлаб келадиган тажрибали раҳбарлардан иборат яна 23 киши бор.

Бир сўз билан айтганда вилоят, шаҳар, туман маҳаллий кенгашлари депутатлари фаол ишлашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Демак, депутатлардан талаб ҳам шунга яраша бўлмоғи табиий. Шунинг учун янги таркибда иш бошлаганига энди беш ой бўлаётганига қарамай ҳалқ депутатлари вилоят кенгашининг 5 май кунини бўлиб ўтган

– Аввало шунини таъкидлашни истардимки, қайси соҳада бўлмасин масъулиятсиз одамга банд мартаба насиб этмайди. Насиб этган чоғда ҳам қисқа муддатда бой беради. Чунки, элнинг ҳурмати талаб қилиб олинмайди. Унга узлуксиз меҳнат, фидойилик, шахсий намуна билан эришилади.

Сенаторлик, депутатлик масъулиятини яна ҳам чуқурроқ ҳис қилиш учун мўхтарам Юртбошимизнинг маърузаларидаги мана бу фикрларни эслаш қийин.

"Сизнинг обрўингиз – бу Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг обрўси, республикамиз парламенти обрўси, моҳият эътиборига кўра мамлакатимизнинг обрўси эканлиги ҳеч қачон унутмаслигини эслардим". Менимча, бу сўзларга ҳеч қандай изоҳининг ҳожаги йўқ. Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, бу обрўни сақлаб юриш – фақат ва фақат жонфидоликни талаб этади.

Президентимизнинг яна бир сўзларини ҳеч бир депутат ёрдамчи қарамаслиги керак, деб ўйлайман. "Депутат олдин ким бўлиб, қайси касбда ишлаганидан қатъий назар депутатлик мактабига эришгани – майли у вилоят, шаҳар, туман кенгаши депутати бўлсин, энди у сиёсатчи бўлиши керак".

Депутатнинг вазифаси давлатимиз сиёсатини амалга оширишда фаоллик қўйиш. Ўзбекистон сиёсатининг энг олий максасида – юртимиз тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлиги. Ана шу улғуният йўлида депутат ҳушёр сиёсатчи, аниқ максасда эга ишбилармон, ёш авлод тарбиясининг маърифатли жонқуяри, бир сўз билан айтганда замон одами, аср одами бўлиши керак. Унинг бефарқ, беъътибор юришига ҳаққи йўқ.

– Ўзингизга яхши маълумки, вилоят ҳокими кўп бора маҳаллий кенгашлар депутатларини ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида янада фаолроқ бўлишга чорлайди. Ҳозир ҳалқ депутатлари вилоят кенгаши олдида қўйилган талаб катта. Сизнингча, бугун вилоят кенгаши ва жойлардаги маҳаллий кенгашлар депутатлари аввало, қандай масалалар ечимига бел боғлашлари лозим?

– Бу саволингизга юқорида қисман жавоб бергандим. Аммо, масалала тийрак назар солинса,

айтилиши керак бўлган гаплар, маҳаллий кенгашларнинг депутатлари эътибор бериши зарур бўлган жиҳатлар кўп.

Аввало бу ўринда сенаторнинг вазифаси нимадан иборат? Бунга аниқ жавобни яна мўхтарам Президентимиз маърузаларидан излашимиз мумкин:

"Сенат – бу вақиллик органи ва унинг кўпчилик қисми ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий кенгашларнинг вақолатли вақиллари ҳисобланади ва уларга ҳисоб беради. Ва шу сабабли ҳам сенаторларнинг ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, бу қонунларни ўзлари вақили бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуктаи назаридан кўриб чиқишлари

бепарво қарайди. Катта йўл ёқаларида замонавий архитектура талабларига жавоб бермайдиган қонуннинг иншоотлар қад ростлайди, ҳоким ва депутат кўзи юмиб ўтади. Бир қатор туманларимизда ўзлари етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, сут ва гўштни қайта ишловчи биронта қорхона йўқ. Чет эл инвестицияси мутлақо олиб кирилмаган, бир сўмлик маҳсулот экспорт қилинмайди. Шу туманда йигирмадан зиёд депутат бор, аммо ҳеч ким чурқ этмайди. Ёки давлат бюджетидан миллион-миллион сарф-харажат қилиниб қуриладиган мактаб, касб-хуна қоллежи, бошқа иншоотлар ўз вақтида топширилмаган, талон-тороқчиликка йўл қўйилган, депутат яна жим!

Ёшлар тарбияси, жиноятчилик ва наркотикига қарши кураш, болалар спорт, ободонлаштириш, ҳуллас, яхши яшашимиз учун ниманики амалга оширишимиз зарур бўлса, депутат бирон-тасидан четда туриши мумкин эмас. Депутат бўлиб олгунча нимагаки ваъда берган бўлсак, бажармоқ бурчимиз. Албатта, бажармасанг ҳеч ким сени жиноятчига чиқармайди. Аммо ҳалқнинг назари, ортиндан айтилган таъна, виждонинг олдидаги уят – бундан оғир жазо бўлмас керак.

Лексин шунини қомил ишонч билан айтманки, вилоятимиз ва барча шаҳар, туманлардаги депутатларимиз бугунги кунда ўз бурчларини, депутат сифатида зиммасидаги масъулиятларини тўғри тушунадилар. Биз ҳалқ депутатлари вилоят кенгаши раҳбарлигида депутатлиқнинг ҳар бир йиллини янги ютуқ ва зафарлар ҳамда ёрғуқ ўз билан қутиб оламиз, деган умиддамиз.

– Нихоят, сўнгги савол. Истиқлол йилларида мамлакатимизда юз бераётган асрий ўзгаришларга депутат ёки сенатор кўзи билан эмас, шoir кўнглингиз билан боқиб, қалбингиздан қандай ҳис-туйғулар кечади?

– Тўғриси, самимий савол учун раҳмат. Аввало, ёмон кўзлардан асрасин, деб шунини айтмоқчиманки, бир халққа бахт берса, шунчалек беради. Ўтган йигирма йилда бир давлатга қудрат берса, шунчалек беради. Ёнг аввало, тинчлигимиз, элу юртимиздаги қут-баракка, турли соҳадаги истеъдод эгалари – ёшларимизнинг дунё аренасида Ватанимиз байроғини бошда тутишлари – ҳамма-ҳаммаси мустақиллигимиз ва Юртбошимизнинг доно сиёсатлари туйғайли.

Дунё халқлари иқтисодий инқироздан азият чекаётган бир пайтда. Осиё тараққиёт, банкни йиллик анжуманининг Тошкент шаҳрида ўтиши Ўзбекистон давлати қудратини бутун дунёга яна бир бор намойиш қилди. Президентимиз қабулларида бўлган ҳурмат-эҳтироми қўсимизни тоғдек кўтарди. Қалбларимизни гуруру ва ифтихорга тўлдирди.

Мана шу улкан бунёдкорлик ишларига бир гишт қўйиб, Ўзбекистон чаманига бир ниҳол экиш, оқилона сиёсатига ҳушёрлик, маърифатига бир чимдим нур билан ҳисса қўйиш ҳар биримизга насиб этсин. Аслида, биз тупроғида баракаси балқиб турган, тўрт фасли ҳам ўз гўзаллигини кўз-кўз қилидиган, одамлари оқибат учун яшайдиган халқнинг, Ватанимиз фарзандларимиз. Бу халқнинг тинчлиги, бахту саодати учун нафақат сенатор ёки депутат бўлиб, олдий чўпон, қадок қўл деҳқон, ҳуш ниҳати бoғбон бўлиб хизмат қилиш ҳам шараф!

– Демократизм, «Элдан олиб турсанг, элга бермасанг, элнинг боласиман деганинг бекор...»

– Топдингиз!

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ суҳбатлашди.

ПИЛЛА – 2010

АЙВОНЛАР БАРАКА КУТМОҚДА

Бу йил Пискент тумани пилakorлари 2650 қути уруғни парвариш қилиб, давлатга 140 тонна "қумуш тола" етказиб бериш юзасидан шартнома тузишди. Ипак куртини касалликлардан асраб, соғлом парваришда, мўл ва сифатли пилла етиштириш максасида олинган пухта тайёргарлик қўрилди. Фермер хўжалиқларининг имкониятлари ва озуқа захиралари ҳисобга олиниб, ипак курти тақсимланди.

Туман "Пилakor" масъулияти чекланган жамияти пилakorларини олдиндан рағбатлантириш максасида фермер хўжалиқлари ҳар қути ипак курти учун 1 қоп ун ва 2 килограммдан ёр берди. Бунинг учун туман "Агро-банк" бўлими 120 миллион сўм маблағ ажратди. Айни вақтда 1920 хонадонда ипак курти яратиб, агротехника талаблари асосида парвариш қилинмоқ-

да. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги бириктирган мутахассислар парваришнинг сифати ва куртиларнинг ҳолатини мунтазам кузатиб боришяпти. Барча куртихоналар керакли ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

– 4 та хонадонда 13 қути ипак курти боқмоқда, – дейди фермер хўжалиқи раҳбари Мирза-раим Ҳамроев. – Насиб бўлса, ҳар қутидан ками-

да 60 килограммдан пилла олишни мўлжаллашяпти. Бунда тажрибали пилakorларимизнинг меҳнатлари ўз самарасини беради, албатта.

Туманда 360 гектар турзор бор. Бу йил яна 17 гектар ерга 56 миң тупдан зиёд тўт қўчалари экилди. – Ипак курти боқиб учун озуқа базамиз етарли, – дейди туман "Пилakor" масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси Жўра Давоев. – Шу қулларда пиллаxonада янги ҳосилни қуришти, сақлаш, қабул қилиш ай-вонларини таъмирлаб, тайёр холатга келтиряпти.

Нигора БОБОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК КЕЛГАНДА

– Унинг дастурий вазифалари менинг ҳаётдаги оруз-истакларимга монанд. Уларни амалга оширишда фаол қатнашиб, тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшсам, дейман.

– Сафимиз ўсиб бораёпти, – дейди туман партия етакчиси. – Электрорат манфаатларига хизмат қилиш, ҳусусий ва яқка тадбиркорлиқни изчил қўллаб-қувватлаш, ислохот-

сида партиянинг дастурий максасд ва вазифаларини тарғиб қилишга қаратилган кечалар, урғулар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Баркамол авлод йили муносабати билан партия "Ёшлар қаноти" фаолигини қўлайлаштириш ҳаммаш диққат марказида турибди.

Яқинда қишлоқ аёлларидан 200 киши сиёсий ўқишга жалб қилинди. Тингловчилар мамлакатда амалга оширилаётган



МАҚСАДЛАР МУШТАРАК КЕЛГАНДА

иктисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари, тадбиркорлик ҳаракатига оид қонунлар, тадбиркорларни кредитлаш тамойиллари билан таъминланди. Маълумотлар пиворадада 100 дан ортиқ қишлоқ аёли ҳусусий ишчини бошлаб режалари билан ўртоқлашди. Табиийки, бу қишлоқларда янги иш ўринлари пайдо бўлади, қишлоқ хонадонларининг даромади ор-

тади, аҳолининг турмуш даражаси қўлайлаштирилади деган сўз.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: Каромат Расулова "Бектемир чигитни анитерлаш" масъулияти чекланган жамияти ходими Зухридин Тошмуродовга партия билетини топшираётган.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

КАСБЛАР ФЕСТИВАЛИ

Умиджон Холмуродов 9-синф битирувчиси. У кўпдан бери қайси касбни эгаллашни билмай, бир тўхтамга келолмай юрган эди. Синфдош дўстидан "Мутахассислигинг — сенинг келажагинг" номли касблар фестивали бўлишини эшитиб, хурсанд бўлди.



ПОЙТАХТАДА ЎҚИШ ШАРТ ЭМАС

Фестиваль Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиде бўлиб ўтди. Уч кун давомида тумандаги 7 та коллеж ўз имкониятлари акс этган кўргазмаларини намойиш этди. 54 та умумтаълим мактабидан келган 2 мингдан зиёд ўқувчи ўзлари қизиққан касблар ва мутахассисликларни танлаш имконига эга бўлишди.

Ҳам ташкил этилди. — Яхши мутахассис бўлиш учун, албатта, пойтахтга бориб ўқиш шарт, деб ўйлардим, — деди 7-умум-

таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Доно Абдилова. — Лекин фестивалда катнашиб, фикрим ўзгарди. Туманимизда ҳам исталган

йўналиш бўйича малакали мутахассис бўлиш учун барча имкониятлар яратилган экан. Ўзим тикувчиликка қизиқганимдан айнаш шу соҳа бўйича ўқишга киришни истасам эдим. Энди Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг энгил санат махсулотлари технологияси йўналишига ҳужжат топширмоқчиман.

Хуршида НАЗАРОВА. СУРАТАРЛА: ўқувчилар касблар фестивалида иштирок этиб, ўз келажакларига теранроқ нигоҳ ташлашди.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Ўзбекистон Бадий академиясида республика вилоятлари меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари чизган расмлар ва амалий санъат асарлари намойиш бўлиб ўтди.

КАМАЛАК ЖИЛОСИ

Тадбир "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар дирекцияси, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан, таълим ва маданият маркази, республика "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Камалак жилоси" кўрик-танловининг асосий мақсади болаларнинг санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни таъсирли санъат ва бадий ижода эътиборларини қучатиришга қаратилган.

Танловга меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 100 дан ортқ акварель расмлари ва 80 дан ортқ амалий санъат асарлари тақдим этилди. МуСОБАКА ШАРТИ БЎЙИЧА 1-ўрин "Биз ўйнаймиз" асари учун Чирчиқ шаҳри 14-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Эркин Йўлдошевга берилди. "Моҳир кўйлар" йўналиши бўйича 2-ўрин экибана усулида яратилган асари учун яна шу меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Виктория Барабасовга берилди. Амалий санъат асарлари бўйича ҳам мажмур даргоҳ тарбияланувчиси Александр Батаков ғолиб топилди.

Фарида УСМОНОВА, "Соғлом авлод учун" жамғармаси Чирчиқ шаҳар таълим маскани директори.

Частная нотариальная контора "Азимова Гулрух Бахтировна" (ИНН 205403367), зарегистрированная в управлении Юстиции г. Ташкента, в соответствии с исполнением Указа Президента № 4216 от 05.05.2010 г.,

ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 240-33-32.

Утерянную зачетную книжку № 127, гр. 9-07 экз., выданную 2007 году ТТУ "ТТМ" на имя Гулзаова Виктора Владимировича,

СЧИТАЕТ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Юносабод туманида 2004 йил 22 октябрда 000992-10 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "O'ROO-RAHAT-BIZNES" шўба корхонасига берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўқизиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ШОГИРДЛАРИ АРДОФИДА

Оила. Бу муқаддас қўргонга муносиб посбон бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган олий бахт. Базмида тўрт мучаси соғ одамлар ҳам ҳаёт синовларига дош беролмай, ўз ҳузурини ўйлаб, болаларини аро йўлда қолдириб кетади.



Устозим Собиржон Иномов ҳақидаги мулоҳазаларим ибтидоида оила ҳақида сўз юритишнинг боиси, у нафақат қалами ўткир, моҳир журналист, балки беқўёс сабур матонат, катта қалб эгаси. Устозим умр йўлдоши Сайёра опа билан биргаликда икки ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказишди, уйли-хўйли қилишди. Рўзгор ташвиши эса Собир аканинг ихидига асло таъсир қилмади. 30 йилдирки, Пискент тумани "Меҳнат байроғи" газетасида ишлаб келади. Қатор тўпламлар муал-

лифи ҳозир ҳам ёшларга илму маърифатдан, одамлилик сабақларидан дарс бериб келмоқда. Таҳририятимиз фари бўлган устоз атрофида шогирдлари, мухлислари доимо парвона. Улардан ёрдамни ҳеч қачон аямайди. Ўзлари ташкил этган "Маҳорат мактаби"да тахсил олаётган шогирдлар ҳозир дурустгина шеър, мақола ёздириб бўлиб қолишган.

Собиржон аканинг ўзлари каби содда, тўпори одамлар ҳаёти ҳақидаги "Қўмсаш", "Нажот кўприги", "Тун бағридаги шарпа", "Ҳаёт иншои", "Чинорлар узок яшайди" номли китобларини мухлис-лар севиб мутлола қилишади. Ҳам оила, ҳам давлат ишини виждонан адо этаётган, сабр ва шукрининг этагидан тутган устозим Собиржон Иномовга берилган "Меҳнат шухрати" ордени эса ана шу фидойилик меваси, албатта.

Ақром МАЛИК.

Ўртачирчиқ тумани Халқ банки бўлими томонидан Исламов Одибек Султанович (ИНН 493159312) номига берилган жамғариб бориладиган пенсия дафтраси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Компания ООО "AVESTA FINANCE" (ИНН 206856357), зарегистрированное по адресу: г. Ташкент, ул. Амра Тимур, 25 объявляет об уменьшении уставного фонда с 1 068 038 180,28 (один миллиард шестьдесят восемь миллионов тридцать восемь тысяч сто восемьдесят сумов 28 тийин) до 118 038 180,28 (сто семнадцать миллионов тридцать восемь тысяч сто восемьдесят сумов 28 тийин) согласно решению учредителей № 8 от 14.05.2010 г.

Общество с ограниченной ответственностью "MADADKOR TEKSTIL SERVIS" (ИНН 301322950), зарегистрированное инспекцией субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Яккасарайский район, ул. Мирхамедова 35-А (№ 004821-11 от 18.09.2009 г.),

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей № 1 от 17.05.2010 г.).

Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента опубликования данного объявления.

Общество с ограниченной ответственностью "PHOENIX CONSULTING AND SERVICES" (ИНН 207076204, ОКПО 23213945), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, м. Чиланзар, квартал 2, д. 46, кв. 12,

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания № 1 от 29.04.2010 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 277-36-22.

Частная нотариальная контора "Мусаева Зухрахан Ахадовна" (ИНН 203115616), зарегистрированная в управлении Юстиции г. Ташкента, в соответствии с исполнением Указа Президента № 4216 от 05.05.2010 г.,

ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 246-39-61.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2009» танлови давом этмоқда

Ўзбекистонда демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодий модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислохотларни янада қучуқлаштириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. Утган йили кўп тараққиёт ва фаровонлигига йўналтирилган Давлат дастури асосида қилинган материаллар, эфирга узатиладиган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2009" танлови ғолиблари ва совридорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳудудлари кўнига бағишлаб 27 июнда Ўқазилдиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг кўрақалогистон Республикаси ва вилоятлар бўлиmlари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифининг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

